



АМИР ТЕМУРНИНГ ОЛИМ ВА ФОЗИЛ КИШИЛАРГА ЭЪТИБОРИ

Содиқ Қурбанов

Тошкент ислом институти ўқитувчиси. Қурбановсодиқ8494@gmail.com

тел.:97/2308494

Аннотатсия: *Тарихда Мовароуннаҳр деб номланган диёр, эндиликда унинг аксар қисмини ўз ичига олган Ўзбекистон ислом илмий меросига беқиёс ҳисса қўшган юзлаб беназир алломалар таваллуд топган замин ҳисобланади. Миллий-диний қадриятларнинг тикланиши йўлида, шубҳасиз, ўзларининг сермахсул изланишлари ва ижодлари билан ислом илмларининг турли соҳаларида минглаб асарлар ёзиб қолдирган алломаларимизнинг ҳаётлари ва илмий меросларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.*

Калит сўзлар: *Амир Темур, Мовароуннаҳр, ҳошия,, тафсир илми, олим, шарҳ, фикҳ...*

Амир Темур Марказий Осиё ва унга қўшни бўлган юртларни бирлаштириб, феодал тарқоқликка барҳам бергач, Самарқандга тасарруф этилган барча минтақа ва вилоятлардан машҳур олим ва хунармандларни тўплай бошлаган⁷. Натижада, том маънода Шарқда иккинчи ренессанс даври ривожига муносиб ҳисса қўшди.

У нафақат буюк саркарда, давлат арбоби, балки ўз даври илм соҳалари бўйича етук олим бўлган. У мамлакатни ривожлантиришда илм-фан ва ислом олимларининг аҳамияти беқиёс эканлигини яхши тушунган. Буни ўзи ҳам: “Салтанатда эришган барча муваффақиятим ва мустаҳкам жойларни фатҳ қилишим – буларнинг барчаси Шайх Шамсуддин Фохурий дуоси, Шайх Зайнуддин Хавофий ҳиммати ва Саййид Барака марҳамати шарофатлари ёрдамида бўлди”, деб таъкидлаган эди⁸. Зар қадрини заргар билади, деганларидек Соҳибқирон шу туфайли у саройида таниқли мутафаккирларни жамлашга ҳаракат қилган.

Маълумки, тинч-тотувлик бўлган жойда ривожланиш ва тараққиёт бўлади. Мана шу жиҳатдан, Амир Темурнинг марказлашган йирик давлат барпо этиши ва Самарқанд шаҳрини пойтахтга айлантириши ўша даврда жуда катта тарихий жараён бўлган. Амир Темур Самарқанд шаҳрига кўплаб турли илм соҳалари бўйича олимларни тўплаган ва уларнинг илм-фан билан шуғулланишларига шароитлар яратиб бериб, ўзига хос академияга асос солган. Мазкур олимлар қаторида ҳанафий мазҳабининг йирик уламолари ҳам бўлиб, улар мадраса ва давлат мансабларида фаолият олиб борганлар. Мўғуллар давридан кейин, Амир

⁷ Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиллар) / Тузувчи: М.Хайруллаев. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – 180-б.

⁸Абулаббос Шиҳобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад Димашқий. Ажойиб ал-мақдур фи тарих Таймур. – Байрут: Муассат ар-рисола, 1986. – Б. 48. 13



Темур даврида исломга давлат дини мақомининг қайтарилиши янги уламолар табақаларининг шаклланишига олиб келди⁹.

Темур давлатида Самарқанд сиёсий пойтахтгина эмас, балки илмий марказ ҳам эди¹⁰. Бу ерга олим ва мутахассислар олиб келиниб уларнинг математика, меъморчилик, санъатшунослик ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатиши учун ҳамма шароит яратиб берилди. Бу тўғрида Мовароуннарда бўлган Европалик саёҳатчилар ва Темур даврида яшаб ижод этган тарихнавис Шарқ олимлари етарли маълумотлар қолдирганлар.

Амир Темур илм-фан, маънавият аҳлига алоҳида эътибор ва меҳрибонлик кўрсатиб, жамиятнинг маданий ҳаётида улардан фойдаланишга интилар эди. Тарихчи Ибн Арабшоҳ ёзганидек, “Темур олимларга меҳрибон, саййиду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалогатўла иззат-хурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан тамом муқаддам кўрар эди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб иззату икромини изҳор қилар эди¹¹. Натижада салтанат пойтахти Самарқандда ўз даврининг турли соҳалари бўйича буюк алломалар жам бўлдики, бу жамлашни Соҳибқирондек илм-фанни яхши тушинган ва уни қадрига етган ҳукмдоргина амалга ошириши мумкин эди.

Бунга қуйидаги ҳикояни келтириш мумкин: “Амир Темур ўта аҳмиятли ва фойдали ишларидан бири бўйича чопар юборди. Чопарга: “Агар йўлда отга ҳожат тушиб қолса, кимни кўрсанг ҳам отини ол, агар ўғлим Шоҳруҳ бўлса ҳам”, деди. Чопар у амр қилган тарафга тезлаб жўнади. Йўлда аллома Тафтазонийга дуч келди.

У дам олиш учун бир жойга тушган, отлари чодирнинг олдига боғланган экан. Чопар ўша отлардан бирини олди. Аллома Саъдуддин Тафтазоний чодирдан чиқиб, уни ушлаб олди.

Отни чопардан қайтариб олди ва уни роса калтаклади.

Чопар Амир Темурнинг олдига қайтиб борганида бўлган гапни унга айтди. Шунда Амир Темур қаттиқ ғазабланди. Аммо бироздан сўнг: “Агар унинг ўрнида ўғлим бўлганида, уни қатл қилардим. Лекин қайси жойга борсам, китоблари у ерга менинг қиличимдан олдин кириб борган одамни қандай қилиб қатл қиламан”, деди¹².

Амир Темур Хоразмга келганида Малик Муҳаммад Сарахсий ибн Малик Муъизиддин Ҳусайн Курт ўз жияни Пирмуҳаммад Ғиёсиддин Пиралидан Амир Темурдан Алломай Тафтазоний раҳматуллоҳи алайҳини Сарахсга таклиф қилишини сўрашни илтимос қилди.

Амир Темур Алломай Тафтазоний раҳматуллоҳи алайҳининг илмдаги фазлини билиб, у зотни Самарқандга таклиф қилишни афзал кўрди. Аввалига

⁹ Алимов У. Самарқандда калом илмининг ривожланиши. – Т.: Мовароуннаҳр, 2008. – Б. 59.

¹⁰ Фернанд Брудил. Тарих ва маданиятлар қоидалари / Ҳусайн Шариф таржимаси. – Қоҳира. Ал-ҳайъа ал-мисрийя ал-омма ли-л-китоб, 1999. – Б. 77.

¹¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад юсуф. Самарқанднинг сара уламолари. -Тошкент: Ҳилол нашр, 2019.-Б.7

¹² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад юсуф. Самарқанднинг сара уламолари. -Тошкент: Ҳилол нашр, 2019.-Б.19.



Алломаи Тафтазоний раҳматуллоҳи алайҳ Амир Темурнинг таклифига жавоб бермай турди, ўнг Ҳижозга сафар қилиш нияти борлигини айтиб, узр айтмоқчи ҳам бўлди. Аммо Амир Темур иккинчи бор таклиф юборганидан кейин Самарқандга равона бўлди¹³.

¹³Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад юсуф. Самарқанднинг сара уламолари.-Тошкент: Ҳилол нашр, 2019.-Б.17